



MILLIY TIKLANISH

27 (244) ● 2013 йил 17 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Оммавий маданиятга қарши курашишда маънавиятли ёшларни тарбиялаш, уларни баркамол инсонлар қилиб воёга етказиш муҳим вазифалардан саналади



Жиззаҳда миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни янада ривожлантиришга партия томонидан алоҳида эътибор берилмоқда



Устахона эшигидан кирган заҳоти бир-биридан тақорланмас, ўзига хос ажойиб хунармандчилик буюмларини кўриб инсоннинг кайфияти кўтарилишига шохид бўлдик



2 СИЁСАТ

3 ПАРТИЯ ХАЁТИ

8 КЎЗГУ

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадри дўстлар! Сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнатқашларини ризқ-рўзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўкинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш ғалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи бор мана шундай мисли кўрилмаган натижага эришиб, кўпчилик вилоят ва туманларда, фермер хўжалиқларида ҳосилдорликни юксак даражага етказганимиз фидойи деҳқон ва фермерларимиз қандай буюк ишларга қодир эканини намоён этиб, бутун халқимизнинг кайфияти ва руҳини кўтарди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Халқимизга мансуб бўлган азалий қадриятга кўра, нонни азиз ва табаррук неъмат сифатида қадрлаб, эъозлаб, уни доимо кўзига тўтиб қилиб яшайдиган эл-юртимиз бу ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнатингиз, азму шижоатингиз эъзига қўлга киритганини яхши билади ва юксак баҳолайди.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсумда ўртача ҳосилдорликни 55 центнерга етказганингиз, ўтган йилга нисбатан қарийб 500 минг тонна кўп ғалла олишга эришганингиз ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим! Жорий йилда барпо этилган улкан ғалла хирмонини 90-йилларда мамлакатимизда шу борада маъжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштиридан бўлсак, бизнинг тарихан қисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу ғалабанинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадри экани яна ва яна бир бор аён бўлади.

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганини, республикамиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қилсак, ўтган йиллар мобайнида ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 қарадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айна пайтда хоржий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади.

Албатта, қўлга киритилган бундай улкан натижаларнинг асосий омили ва мезонлари нимадан иборат, деган табиий савол туғилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, ривожланишнинг "Ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлини, демократлаштириш ва янгиланиш йўлини танлаганимиз, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чуқур ўйланган, кенг қўламли ислоҳот ва ўзгаришларни аввало иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигидан бошлаганимиз мана шундай ютуқларимиз-

нинг негизини ташкил этмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзини оқламаган эски тизимнинг ўзаги бўлган мулкчилик шаклларидадан воз кечиб, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликни жорий этганимиз қишлоқ хўжалигида мутлақо янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривож топтиришда, энг муҳими, қишлоқ аҳлининг бутунлай янги фикрлаш, ўз меҳнатига янги қарашини шакллантиришда энг асосий ва муҳим омил бўлди.

Шу борада фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берганимиз, уни мустақиллаш ва тараққиёт этириш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий замин яратиш берганимиз, бу ҳаракатни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаганимиз бугунги кунда унинг қишлоқ хўжалигида чиндан ҳам ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқибди, деҳқон ўзини ҳақиқий ер эгаси, мулк соҳиб деб ҳис қилишида, фермерларни, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянчига айлантиришда беқийс аҳамият касб этди.

Шу маънода, барчамизни боқадиган, жамки ноз-неъмат ва бойликларнинг бунёдқори бўлмиш деҳқон ва фермерларимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккури, ҳаётга муносабати, сиёсий савияси ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани бугун қўлга киритилган улкан марраларимизнинг асосий шарт ва гарови бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Айтиш керакки, бу йилги мавсум ўтган мавсумларга нисбатан осон бўлган йўқ. Ғаллакорларимиз табиат ва иқлим қийинчиликлари билан боглик турли синовларни энгиб ўтишлари вақти тўғри келди. Қиш фаслида ҳавонинг совуқлик даражаси меъёридан ортқ бўлган, март ойида эса ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, дўл ва жалалар ёғиши деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирди.

Айни шундай мураккаб шароитда дала меҳнатқашлари аввало ишни тўғри ташкил қилиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолтириш ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳақда гапирганда, мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан ортқ маҳаллий ўғит берилган, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилганини миннатдорлик билан таъкидлаш лозим.

Албатта, мана шундай юксак хирмон яратишга эришганимизнинг омили ҳақида сўз юритганда, охириги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғимойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, ҳашорат ва зараркунандаларга қарши курашиш - албатта, буларнинг барчаси амалий самарасини берганини унутмаслигимиз керак.

Ишнинг кўзини билиб амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоят, жумладан, нисбатан оғир шароитда бўлган

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ғаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятини бажаришга эришдилар. Айниқса, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида суғориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 57-63 центнерни ташкил қилганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир.

Бошқаларга ибрат ва намуна бўлган Учқўрғон, Норин, Ҳатирчи, Саросиё, Вобkent, Яққабоб, Қарши, Олтинқўл, Иштихон, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи, Окдарё, Учқўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлоқ, Фуқрат, Пискент, Юқоричирчиқ, Хатирчи туманларида ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", "Шакар ота", Учқўприк туманидаги "Фаровон ҳаёт сари", Норин туманидаги "Аҳмадхон Алижон ота ўғли", Учқўрғон туманидаги "Гулхумор", Бувайда туманидаги "Ёқубжон ота", Олтинқўл туманидаги "Намуна серхосил ери", Жондор туманидаги "Бахтиёр Яраш ўғли", Дўстлик туманидаги "Омонтурди ота", Хатирчи туманидаги "Тасмачи иқболи", Уртачирчиқ туманидаги "Иброҳим Абдурахмонов" каби ўнлаб фермер хўжалиқларида гектардан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олинган юртимиз деҳқонларининг ҳақиқий омиликорлик фазилатлари ва меҳнат жасоратининг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Энг асосийси, етиштирилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжалиқлари ихтиёрида қолдирилганини деҳқонларнинг омондорлиги донга, рўзгорлари кут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили сифатида қабул қиламиз.

Қадри ва муҳтарам дўстларим! Ишончим комил — бугунги қувончли айёмда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимиз эришган бу улкан ғалаба Ўзбекистонимизда катта ютуқ кичик барчани, касбу кори, вазифасидан қатъи назар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бугун эл-юртимизнинг тилида ва дилида сизларнинг шаънингизга бағишлаб, "Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлмагил!" деб айтиладиган ҳис-туйғулар, эзгу тилақлар мужассам, десам, ўйламанки, янглишмаган бўлам.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз, миришқор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиғи мутахассисларини, юксак хирмонга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан тазым қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

Ўзгал ва батақдор, муқаддас Ватанимизни, заҳматқаш ва олижаноб халқимизни Яратганимиз доимо ўз панохида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шароитда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир.

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик — энг азиз неъмат


Мустақиллик эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечиршига кенг имконият яратиб берди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган изчил, тизимли ва демократик ислохотларнинг амалий самарасини бузун ҳамма жойда, ҳар қадамда кўриб қувонмоқда-миз. Ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро мамну ва шукрона кун кечирмоқда. Нафақат кўриб-қузатиб, айна чоғда бундай кенг қамровли ислохотларда ҳар бир шахс ўзи дахлдорлик ила қўшаётган ҳиссасидан чеқсиз фахр ҳиссини туймоқда.

хуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва миллий ҳавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурининг қамрови кўнгилларни кўтарди. Дили янада равшан айлади. Унга кўра мисли кўрилмаган даражада ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Чора-тадбирлар ҳам эришган марраларимиз каби кўп. Қўламли кенг. Миллионлаб юртдошларимизнинг ҳаётида ўчмас из қолдирмоқда.

Ҳақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англайди. Истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили бўлди.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини нишонлар эканмиз, халқимизнинг истиқлол даврида босиб ўтилган тарихий йўли, эришган улкан ютуқлари ва марралари, уларнинг аҳамиятини ҳар томонлама чуқур англаш, яъни ҳаёт ҳақиқатини билиш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу энг улуг ва энг азиз байрамга тайёргарлик муносабати билан барча соҳаларда ҳаётбахш дастурлар тузилиб, бир-биридан юксак ютуқлар қўлга киритилмоқда.



МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ДАВРИ

Бизга маълумки, маънавият ва қадрият тушунчалари бир-бирига чамбарчас боглиқ тушунчалардир. Маънавият деганда қадриятларимизни, қадрият деганда эса миллий маънавиятимизни биргаликда, бир бутун ҳолда тушунамиз. Миллатнинг энг буюк қадриятларидан бири — бу унинг она тилидир. Буни қарангки, 70 йил давомида ўзбек халқи ана шу буюк қадриятдан бегона ҳолда кун кечирди. Миллий маънавиятни миллат ўзига тегишли деб билган дин ва шахслар орқали етиб келган маънавий мезонлар, қадрият, урф-одат, аъёна ва тарихий мерос, деб биладиган бўлсак, бизнинг халқимиз буларнинг бирортасидан ҳам эмин-эркин фойдалана олмасди. Ўзбек халқи, Ўзбекистон, ўзбекистонликлар деб юритилар эди-ю, аммо ўзбек халқининг ўзига хосликлари йўқолиб бораётган эди. Ўзбекистон деган исм жисмга мос келмас эди. Чунки бу ердаги халқ ўз номидан англашилганидек эмасди. Яъни, ўзига ўзи бек эмас эди; ўз тили давлат тили эмас эди; ўзбекка хос маънавиятдан бегоналаштирилаётган эди; ўз урф-одат ва аъёналарини унутатган эди.

5-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайлик ҳужм сурса, энг муҳим масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият — энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳужмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.

Ислом КАРИМОВ
“Юксак маънавият — энгилмас куч”
асаридан

Ҳозирги пайтда жаҳонда гоё ва мафуралар кураши кучайди. Ҳар ким ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда нафақат ўзига тегишли бўлган ҳудуд, балки бошқа жойлардаги аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбига ўз гоёларини сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёнда аҳоли, жумладан, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш энг долзарб вазифалардан бири саналади.

Ҳозирги кунда халқнинг миллий маданияти, азалий қадриятлари илдиришга болта урувчи “оммавий маданият” ниқоби остидаги иллатлар мафкуравий таҳдидларнинг энг хавфли кўринишидан бири, десак муболага бўлмайди. “Оммавий маданият” ниқобидаги таҳдидлар бевосита жамиятнинг маънавий тараққиёти учун жуда хавфли жараён бўлиб, унинг олдини олиш, салбий таъсириларига қарши курашиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Шу нуқтага назардан мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг дастлабки кунларидан миллий қадриятларимиз, бой тарихимиз, буюк аждодлар илмий, маданий меросини ўрганиш ва уларни келажак авлодларга бусбутилуғича етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан “Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, Тошкент шаҳри ва вилояти Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Миллий тикланиш” газетаси ижодий жамоаси, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъдир Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамини таъйинлаш кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида ёшлар сиёсати йўналишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очар экан, истиқлол йилларида юртимизда маънавий-мафкуравий соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Ҳозирги пайтга келиб дунёда сиёсий ва мафкуравий кураш усуллари тубдан ўзгариб янги шакл ва кўринишларга эга бўлди. Илгари инсониятга қуролланган юртга хавф солган бўлса, эндиликда ахборот ҳужумлари таҳдид қилмоқда. Яъни Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “Ҳозирги вақтда ахлоқсизликнинг маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда...”

Таъкидлаш жоизки, партия-миз мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишларда фаол иштирок этиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол

иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашишни ўзининг устувор мақсадларидан бири сифатида белгиланган. Шундай экан, бугунги замон фуқаролар, айниқса, ёш авлодни турли информацион хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизда ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш борасида партияимиз олди-га ўз аҳамияти жиҳатидан ниҳоят-да муҳим ва кенг қамровли вазифаларни қўймоқда. Жумладан, марказда ва жойларда ташкил этилаётган тарғибот тадбирларига аҳоли, айниқса, ёшларни кенг жалб қилишимиз ва бутун дунёда глобал муаммо тусини олган, ёшлар маънавиятга жуда катта таҳдид солувчи “оммавий маданият” ва унга қарши ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Партия етакчиси ўз сўзида Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамини таъйинлаш кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қароридан келиб чиқиб, партия ташкилотлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга ҳам эътибор қаратди.

— Президентимиз қарори билан айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шiori остида ўзбекистонлик мустақиллик байрамига таъйинлаш кўриш мақсадида таъдир, давра суҳбати ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Маълумки, давлатимиз раҳбари Қарориди ҳозирги кунда бизнинг қандой шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш вазифаси илгари сурилган.

Бу борада партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, комил инсонни тарбиялаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида камол топтириш, улар қалбига миллий ғурур уйғотишга қаратилган тадбирлар ташкил этиш зарур. Бунда партия ташкилотлари ва депутатлар томонидан жойларда ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ва гоёсидан келиб чиққан ҳолда миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маданият” таҳдидларининг олдини олиш мақсадида кўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

“Оммавий маданият” таҳдидларига қарши қаратилган ўзбек миллий маданиятини тарғиб этиш учун таъдирлар ташкил этиш зарур. Оммавий ахборот воситалари орқали миллий маданиятни тарғиб этиш учун кўрсатувлар сонини янада кўпайтириш, ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, интернет орқали миллийлик ва замонавийликни тарғиб этиш учун республикамизда мавжуд сайтларга ёшларни кўпроқ жалб қилишга кўмаклашиш лозим. Мазкур сайтларга ёшларни жалб қилиш учун, сайт ичига ёшларбоп миллий танловлар эълон қилиш, шунингдек, уларни қизиқтирган мавзуларни ўртага ташлаш, “энг яхши фикр” номинацияларини қўллаш орқали рағбатлантириш мақсада мувофиқ бўлади.

Миллий маданият ривожланишига ва маънавий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган конференциялар, семинарлар, тренинглари, давра суҳбатлари



Таҳлил

МАЪНАВИЯТ қудратли куч

партияимиз “оммавий маданият”га қарши курашиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар марказида туриши лозим

ташкил қилиш ҳамда шу орқали гоё ва таъриблар алмашиш имконини берувчи касбий алоқалар тизимини ривожлантириш лозим, - деди партия раҳбари.

Таъдирда Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходими Феруза Мадрахимова “Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири” мавзусида маъруза қилди.

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратиш лозим. Зеро, ҳозирги кунда бутун дунёда глобаллашув жараёнининг ҳар томонлама чуқурлашуви дунё халқлари олдида ўз менталитетини, миллийлигини сақлаб қолиш каби долзарб вазифани қўймоқда, - деди нотик, — Ер юзидида ахборот алмашиши мислиси тезлашган ҳозирги глобализм шароитида, Фарбдаги айрим «марказлар» бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Фарб ҳаёти «жозибалари»ни, жумладан, «оммавий маданият» таъсирини имкон қадар кенг

уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш ҳамда ёшларнинг ўз келажиги учун масъул ва комил инсон бўлиб воёга етишлари йўлида амалга оширилаётган ислохотларга кўмаклашди.

Давра суҳбатида «оммавий маданият» таҳдидларининг 90 фоизидан ортиқроғи интернет орқали кириб келаятгани таъкидланди. Эътироф этилганидек, интернетнинг оммалашуви, веб маконда ижтимоий тармоқларнинг вужудга келиши, бу жараённинг ортиб бориши масаланинг нақадар долзарб эканлигини белгилайди. Айни кунда мамлакатимиз аҳолисининг учдан бири қисми, яъни 10 миллионга яқин юртдошларимиз интернетдан фойдаланмоқда. Шу боис, миллий маданиятимиз намуналарини сақлаб қолиш ва интернет орқали кириб келувчи таҳдидларнинг олдини олишда глобал тизимда интернет ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосий вазифалардан биридир.

— Глобаллашув жараёнида си, халқимизнинг миллий маданияти, миллий қадрият, анъана ҳамда урф-одатларини тиклаш ва ривожлантириш, баркамол авлодни воёга етказишга кўмаклашди. Бунда партия ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган тадбирларнинг сони ва сифатини ошириш, мафкуравий йўналишдаги тадбирлар таъсирчанлигини янги поғонага кўтариш зарур.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар билан жонли ва қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Дилфуза Рўзиева,
“Milliy tiklanish” мухбири:

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳиятини, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини ёш авлод вакилларига тушунтириш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Чунки ўз онги ва тафаккурини миллий мафкура ва миллий маданият билан бойитган ёшлар турли маънавий таҳдидлар оқимида тушиб қолмайди. Айниқса, “оммавий маданият”нинг асл моҳиятини, ин-

сон онгига таъсири, ёт гоёнинг кўзга кўринмас зарраларидан тортиб, жамиятда яққол кўриниб турган ҳолатларига кенг қўламли таъсирини ишлари олиб бориши зарур.

Жамиятнинг бирламчи бўғини бўлган оила кўп асирлик анъаналарга таяниб яшайди. Шахснинг шаклланишида, комил инсон бўлиб улғайишида оиланинг ўрни бекиёс. Мутахассислар «оммавий маданият» мафкурачиларнинг гоёларидан бири бу инсонлар қалбига оила муқаддаслиги ва унга бўлган меҳрнинг сўндиришга қаратилганлигини таъкидлашади. Ҳозирда Фарб давлатларининг аксариятида оила ва никоҳ тушунчаси тугаб бормоқда ва бу ҳолни улар фойдали деб бизни ишонтиришга уринмоқдалар.

Миллий, ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос модели бўлган маҳалла асрий анъаналар, урф-одатлар ҳамда маросимларга таяниб, муҳим ташкилий тарбиявий функцияни бажаради. Шу боис маҳаллада тарбиявий ишлар олиб бориш учун кенг имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий-маданий, тарихий ва ахло-

Партия мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишда фаол иштирок этиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий таҳдидлар, диний экстремизм, зўравонликнинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашишни ўзининг муҳим вазифаси деб билади.

ЎзМТДП сайловолди
Платформасидан

қий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида маҳалланинг аҳамияти катта.

Ақбар ЖИЯНОВ,
ЎзМТДП Марказий
Кенгаши Ижроия
Қўмитаси девони бош
мутахассиси:

— ЎзМТДП Дастурида белгиланганидек, партия ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, барча тоифадаги ёшларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, маданият, спорт билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди, ёшларга юксак ахлоқий хусусиятларга эга, ҳар бир шахсга хос бўлган бурч, тўғрилиқ, ўз Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини сингдиришга кўмаклашади, шунингдек, улар ўртасида гиёҳвандликнинг тарқалишига қарши, болалар жиноatchилиги ва уни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда бошқа салбий ҳолатларга барҳам бериш йўлида фаол кураш олиб боради. Мазкур дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида партия Марказий ва ҳудудий Кенгашларида турли тадбир, давра суҳбати ва танловлар ўтказиб келинапти. Жумладан, “Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири” мавзусидаги бугунги давра суҳбатимиз ҳам партиявий мақсад-вазифаларимизнинг амалий ифодаси эканлиги, шунингдек, жамият ҳаётидаги долзарб масалага қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

“Оммавий маданият” ва унга қарши курашиш, унинг салбий оқибатларидан ёшлар маънавиятини асраш ҳақида гап кетар экан, бу бевосита партияимизнинг “Ёшлар қаноти”га яна-да каттароқ масъулият юклайди. “Ёшлар қаноти” етакчилари айнан “оммавий маданият”га қарши курашиш, ёшларни бу иллатнинг қора қўлақасидан асраб-авайлаш масаласига қаратилган таъсирчан тадбирлар қўламини янада кенгайтиришга интилиши лозим. Бунда, албатта, соҳа мутахассислари ва экспертларни жалб қилиб, ноанъанавий ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда тадбирлар ташкил қилиш, тест ва саволномалар орқали ёшларнинг бевосита иштирокини таъминлаш мақсада мувофиқ бўлади.

“Оммавий маданият” ва унга қарши курашиш, унинг салбий оқибатларидан ёшлар маънавиятини асраш ҳақида гап кетар экан, бу бевосита партияимизнинг “Ёшлар қаноти”га яна-да каттароқ масъулият юклайди. “Ёшлар қаноти” етакчилари айнан “оммавий маданият”га қарши курашиш, ёшларни бу иллатнинг қора қўлақасидан асраб-авайлаш масаласига қаратилган таъсирчан тадбирлар қўламини янада кенгайтиришга интилиши лозим. Бунда, албатта, соҳа мутахассислари ва экспертларни жалб қилиб, ноанъанавий ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда тадбирлар ташкил қилиш, тест ва саволномалар орқали ёшларнинг бевосита иштирокини таъминлаш мақсада мувофиқ бўлади.

Ақмал РЎЗИТОВЕВ,
ЎзМТДП Бектемир туман
Кенгаши Ижроия
Қўмитаси раиси:

— Партия Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати жараёнида ўзим учун зарур бўлган муайян хулосаларга эга бўлдим. Биз ёшлар учун кундалик ҳаётимизда оддий бўлиб кўринган ҳолатлар замирида ҳам аслида маънавий дунёқарашимиз, руҳиятимиз, миллий қадриятларимиз ва тарбиямизга салбий таъсир кўрсатадиган жараён мавжуд экан. Масалан, оддий хориж қиллиларда намоийиш қилинадиган турли хил вазиятлар ёки ташқи кўриниш ва кийиниш маданияти миллий ўзлигимиздан узоқлашишга, миллий менталитетимизга хос бўлмаган жиҳатларга интилишга сабаб бўлиши мумкин. “Оммавий маданият”нинг бу сингари оддий ва сода кўринишларини ҳам ўз вақтида илғаб, тўғри йўлни танлаб олишимиз лозим. Зеро, юртимиз тақдирини ҳар томонлама баркамол авлод, комил шахслар етишиб чиқиши билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Камолитдин ХОТАМОВ,
Мухтарам КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish”
мухбирлари

Ташаббус ва натижа

Давра суҳбати

ННТ ва маҳаллий давлат органлари

ҳамкорлигини ривожлантириш — устувор мақсад

Қашқадарёда «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган устувор дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга қўмаклашиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари, вилоятда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

амалга оширмоқда, - деди Парламент комиссияси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов. — Айтиш пайтда Қашқадарё вилоятида 500 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. 2009-2013 йиллар давомида ўтказилган танловларда вилоятдан 117 та нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 157 та ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этди. Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ энг яхши ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа деб топилган лойиҳалар 485,8 млн. сўм миқдоридан давлат гранти шаклида қўллаб-қувватланди.

Мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, сўз ва матбуот эркинлигини, ОАВнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ҳамда вилоятда амалга оширилаётган демократик ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига ҳолис етказиш, матбуотда таҳ-

қасидан — оила бизнесига” лойиҳаси қишлоқда яшаётган аҳоли даромад манбаини кенгайтириш, “Хунарманд” уюшмаси туман бўлимининг “Баркамол аёл — мукамал бека” лойиҳаси, “Қалб меҳри” ННТнинг «Мустаҳкам оила — маънавий бойликдир» лойиҳаси эса қишлоқда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ривожига қўмак бўлмоқда.

Жорий йилда Жамоат фонди томонидан ўтказилган 4 та танловга келиб тушган 540 дан ортиқ лойиҳа Парламент комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Энг долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган 127 та лойиҳа учун 1 млрд. 728,8 млн. сўм миқдоридан маблағ ажратилди. Бу эса юқорида қайд этиб ўтилган ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга эга салмоқли ишларнинг янада кенгайтиришга қаратилган 127 та лойиҳа учун 1 млрд. 728,8 млн. сўм миқдоридан маблағ ажратилди. Бу эса юқорида қайд этиб ўтилган ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга эга салмоқли ишларнинг янада кенгайтиришга қаратилган 127 та лойиҳа учун 1 млрд. 728,8 млн. сўм миқдоридан маблағ ажратилди.

лилий ва танқидий материаллар салмоғини ошириш, умуман, аҳолининг сўз эркинлиги билан боғлиқ йўналишларга доир 8 та лойиҳага 103,0 млн. сўм маблағ ажратилди. Фақат жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтказилган 3 та танловда вилоятдаги 45 та ННТ ўз лойиҳаси билан иштирок этиб, уларнинг 10 тасига 141,0 млн. сўм маблағ берилди.

2012 йилдан бошлаб вилоят “Меҳр-шафқат ва саломатлик” фонди, унинг Деҳқонobod тумани бўлими, “Хунарманд” уюшмасининг Яқабоб ва Ғузор туманлари бўлими, Ғузор тумани “Тадбиркор аёл” уюшмаси каби ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 10 дан ортиқ лойиҳалари Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланди. Айниқса, “Тадбиркор аёл” уюшмаси Ғузор туман бўлимининг “Оила томор-

билан юритаётган давлатлар сирасига қиради. Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантиришга ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ҳаётини кенгайтиришга эришиш имконини берувчи стратегик йўналишлардан бири сифатида қаралаётгани эътиборга моликдир.

Хулоса сифатида қайд этиш жоизки, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг амалга оширилиши нафақат келгусида журналистларнинг янги авлоди шаклланишига ёрдам беради, балки Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ислоҳ қилиш ва янада такомиллаштириш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради.

Илгирлик сўнггида мазкур юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тегишли чора-тадбирлар дастури белгилаб олинди.

Олимжон ОҚИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси: — Семинарда ҳуқуқий эксперимент жараёнининг вилоятдаги ҳолати, уни ташкил қилишдаги амалий саъй-ҳаракатлар ва ҳудуд аҳолисининг фаолиги иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ЎзМТДП Самарқанд вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши аъзолари, қолаверса, партия фаоллари оммавий ахборот воситаларида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, тажрибанинг бориш жараёни, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборот олишнинг янги имкониятлари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишдек маъсулиятли ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шу билан бир қаторда аҳолининг барча қатламларини ҳуқуқий экспериментнинг бориши билан мунтазам хабардор этиб бориш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Азамат ҲАЛИМОВ, ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби, Мухтарам РАМАЗОНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ташланган муҳим қадамлар бугун ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатмоқда. Барча соҳаларда олиб борилган ислохотлар натижаси ўлароқ юртимиз юксалиш ва тараққиёт сари юз тутди. Ана шундай қамрови кенг ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар ва улардан сайланган депутатларнинг ҳам ўрни ва роли кўнраиб бормоқда.

Депутатлик гуруҳларининг фаоллиги

партия мақсад ва вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг маънавий қадриятлари ва урф-одатларини асраб-авайлашга қўмаклашиш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белги-ланган устувор вазифалардан саналади. Мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлиги эса кўп жиҳатдан жойлардаги депутатлик гуруҳларининг фаоллигига боғлиқ. Яъни бугунги давр сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бир-лашмалари зиммасига маъсулиятли вазифалар қўймоқдаки, бу улардан ўз электорати манфаатларини дадил ҳимоя қилиш, жойларда амалдаги қонун, Фармон ва қарорлар ижросини мунтазам назорат қилишда ташаббускорлик ва фидойиликни талаб қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Навоий вилояти, туман ва шаҳар Кенгашиларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш борасида муайян ишлар олиб беришмоқда. Жумладан, Қизилтепа туман Кенгашидаги партиямайдан сайланган 11 нафар депутат ҳам бу хайрли ишлардан четда эмас. Ўтган 2012 йилда партия туман Кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан 10 дан ортиқ масала атрофида ўрганиб чиқилиб, 20 дан ортиқ депутатлик сўрови амалга оширилган.

Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгаши сессияси кун тартибига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ва партия туман Кенгаши ҳамкорлигида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури”нинг жойлардаги ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини янада юксалтириш, ҳуқуқ-тартиб органларининг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатининг олиб борилишини назорат этиш соҳасини янада жонлантириш мақсадида бир қатор таклифларни ил-гарга сурдилар. Жумладан, жойларда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот тадбирларига кенг жамоатчилик ва ҳамкор ташки-

лотларни, тегишли идора вакиллари билан ҳамкорлик қилиш, ҳуқуқий маслаҳатхоналар ва ишонч телефонларини янада кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Сессия иштирокчилари партия депутатлик гуруҳининг ташаббуси ва бу бораддаги таклиф-мулоҳазаларини қизгин муҳокама қилдилар. Бошқа партия вакиллари ҳам бу борадда ўз фикр ҳамда қизиқишларини билдирдилар.

Сессияда ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Т.Мухаммедов доимий равишда депутатларнинг фаолигини ошириш, депутатлик гуруҳлари фаолияти ва доимий комиссиялар ишини яхшилашга қаратилган давра суҳбатлари, семинар-тренинг ва турли ўқув-семинарлар ўтказиб келинаётганини таъкидлади. Шунингдек, партия депутатлик гуруҳининг “Обод турмуш йили” Давлат дастурида қўзғатилган вазифалар ижросини таъминлашга қўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар режасига асосан ҳудудда партия фаоллари иштирокида ўтган олти ой мобайнида 40 дан ортиқ турли мавзудаги тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. “Хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кучайтириш”, “Партия аёл кадрлари салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари”, “Тинчлик ва оқилоллик — олий меъра” мавзусидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Кизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган сессия яқинда ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ташаббус-масаласи маълумлиниб, билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида қарор қабул қилинди.

Гулчеҳра УРОҚОВА, Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси: — Бугунги сессияда таъкидлаганидек, ЎзМТДП дастурий мақсадларини изчиллик билан амалга ошириш ва элкторати манфаатларини ҳимоя қилиш депутатлик гуруҳлари фаолиятининг асосий йўналиши айланади лозим. Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёни ҳам айнан шунга қаратилган. Шу маънода депутатлик гуруҳимизнинг мазкур ташаббуси жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Эеро, ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган фуқаролар мамлакат раванки ва келажак учун халқ қилувчи куч ҳисобланади. Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида гап кетганда маҳалла институти, яъни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, оилаларни мустаҳкамлаш ва улардаги муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратиш зарур.

Ўралой ТУРДИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидалари ва механизмларини ўзидан акс эттирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотдан кенг фойдаланилишини таъминлашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳаси бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши мамлакатимизда демократик тамойилларнинг янги босқичга кўтарилиши ва янада ривожланиши, қонунчилик тизимининг янги тажриба асосида такомиллашувиغا хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ҳуқуқий тажрибани ўтказиш борасида Самарқанд вилоятидаги ҳар бир шаҳар ва туман, бошқарма ва идораларда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ҳуқуқий экспериментни ўтказиш жараёнида ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинимаси мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Хуқуқий эксперимент

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анавар Мирзаев ҳуқуқий экспериментнинг бориши давомида архив ва ахборот-кутубхона фондларига маълумотлар тақдим этишнинг тартиби, шунингдек, ҳуқуқий эксперимент субъектларининг веб-сайтларига маълумот жойлаштириш, юридик ва жисмоний шахсларга ахборот олиш бўйича сўровларига жавоб қайтариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш йўллари борасида сўз юритди.

—Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтиради, - деди семинарда мазъура қилган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов. — Яъни, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ахборотнинг очиклиги, ошқоралиги, ишончилиги, ахборотни олиш, узатиш ва тарқатиш эркинлиги таъминланади. Шу билан бир қаторда фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги, уларнинг оқ-номуси ва иш юзасидан обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига, юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти

тўғрисида ахборот тақдим этилганда уларнинг иш юзасидан обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилиш кераклиги таъкидлаб ўтилган. Бу мамлакатимизда инсон қадр-қиммати олий қадрият эканлигидан далолат беради.

Нотиқ мамлакатимизда амалга оширилаётган янги тажриба - ҳуқуқий экспериментнинг аҳамиятига эътибор қаратди.

Таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда барча давлат органлари ўз веб-сайтларига эга бўлиб, исталган киши улардан ўзини қизиқтирган ахборотларни олиши, расмий материаллар билан танишиши мумкин. Айни пайтда вилоятнинг ўз веб-сайтига эга қорхоналари сони кундан-кунга ошиб бормоқда ва улар

Давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидалари ва механизмларини ўзидан акс эттирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотдан кенг фойдаланилишини таъминлашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳаси бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилиши мамлакатимизда демократик тамойилларнинг янги босқичга кўтарилиши ва янада ривожланиши, қонунчилик тизимининг янги тажриба асосида такомиллашувиغا хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ҳуқуқий тажрибани ўтказиш борасида Самарқанд вилоятидаги ҳар бир шаҳар ва туман, бошқарма ва идораларда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ҳуқуқий экспериментни ўтказиш жараёнида ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинимаси мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Айни пайтда ҳуқуқий тажрибани ўтказиш борасида Самарқанд вилоятидаги ҳар бир шаҳар ва туман, бошқарма ва идораларда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ҳуқуқий экспериментни ўтказиш жараёнида ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинимаси мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Айни пайтда ҳуқуқий тажрибани ўтказиш борасида Самарқанд вилоятидаги ҳар бир шаҳар ва туман, бошқарма ва идораларда тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ҳуқуқий экспериментни ўтказиш жараёнида ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинимаси мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

тўғрисида ахборот тақдим этилганда уларнинг иш юзасидан обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилиш кераклиги таъкидлаб ўтилган. Бу мамлакатимизда инсон қадр-қиммати олий қадрият эканлигидан далолат беради.

Нотиқ мамлакатимизда амалга оширилаётган янги тажриба - ҳуқуқий экспериментнинг аҳамиятига эътибор қаратди.

Таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда барча давлат органлари ўз веб-сайтларига эга бўлиб, исталган киши улардан ўзини қизиқтирган ахборотларни олиши, расмий материаллар билан танишиши мумкин. Айни пайтда вилоятнинг ўз веб-сайтига эга қорхоналари сони кундан-кунга ошиб бормоқда ва улар

аҳолининг ахборот ва маълумотларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилаёпти. Шу тариқа он-лайн режимида ишловчи ва улзуксиз янгиланувчи сайтлар сонининг ошиши орқали аҳоли ва халқро ҳамжамиятнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабардорлик даражасини ошириш учун шароит яратилмоқда.

Банк ва мижоз

“Микрокредитбанк”: хизматлар имконияти кенгаймоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида “Микрокредитбанк”нинг янги филиали очилди



MIKROKREDITBANK

Маълумки, глобал жаҳон инқирози ва унинг жиддий муаммоларига қарамасдан, 2012 йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор давом эттирилди. Аҳоли турмуш даражаси изчил юксалиб, республикамизнинг дунё бозоридagi нуфузи ҳамда позицияси янада мустаҳкамланди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида молия-банк тизими барқарор ишлаб, 2012 йилда унинг жами капитали 24,2 фойза, депозитлар ҳажми — 31,5 фойза, шу жумладан, аҳоли депозитлари — 34,6 фойза, банкларнинг инвестиция мақсадлари учун ажратилган узок мuddатли кредитлари ҳажми 30,7 фойза кўпайганини алоҳида таъкидлаб ўтгани бунинг ёрқин таъдидидир.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда, айниқса, молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкининг Қорақалпо-



ғистон Республикаси филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, банк ташкил этилган илк кунларданок, кўрсатиладиган микромолиявий хизматларнинг иқтисодий ва ижтимоий йўналишдаги асосий мақсадлари белгилаб олинди ва асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиал ва минибанклар тизими орқали молиявий инфратузилмаларнинг кенгайтирилишига қаратилди. Натижада бугунги кунда Республикаимиз бўйича банкда 84 та филиал, 188 та минибанк ва 100 га яқин агентликлар фаолият юритмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси-

да банкнинг 5 та филиали, 18 та минибанки фаолият юритиб келмоқда. Айни пайтда филиаллар сони яна биттага кўпайди.

Жорий йилда банк томонидан республика миқёсида иқтисодийнинг реал секторига ажратилган микрокредитлар миқдорини 243,5 млрд. сўмга етказиш ва мазкур кредитлар ҳисобига 106 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. 1 июль ҳолатига кўра, соҳа ривожига йўналтирилган микромолиявий хизматлар кўлами 125,4 млрд. сўми ташкил этди. Хусусан, 26,1 млрд. сўмлик имтиёзли маблағлар бошланғич сармояни шакллантириш учун йўналтирилди. Энг муҳими, мазкур кредитлар ҳисобига 55 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, банк томонидан таълим муассасалари битирувчиларини иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни янада рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга 11,9 млрд. сўм, тадбиркор аёлларга эса 27,5 млрд. сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди.



Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун банк томонидан ўтган ярим йил мобайнида 16,6 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Мазкур кредитларнинг қарийиб 9 млрд. сўми имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади. Натижада ҳудудда 3500 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, аёллар тадбиркорлиги учун 1,3 млрд. сўм, касб-хунар коллежи битирувчилари учун 460 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

Кенесбой ҲОЖИНИЯЗОВ, фермер:
— “Микрокредитбанк” фаолият кўрсатиши билан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида янада қулайликлар яратилди, десам адашмайман. Банк ўз хизмат турлари, кам фоизлик микрокредитлари билан иқтисодийнинг барча соҳаларини қамраб олишга эришмоқда. Хар йили банк кўмаги

билан деҳқончиликда юқори ҳосил олишга эришяпмиз. Банк филиалининг очилиши, узоғимизни яқин қилиш билан бирга вақтимизни янада тежашга хизмат қилмоқда.

Мухаббат АБДУРАШИДОВА, тадбиркор:
— Филиал жамоаси хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик каби меҳнат турлари билан уйда шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиб беради деган умиддамиз. “Устоз-шогирд” йўналишида иш ташкил қилиб, “Обод турмуш йили”да банк билан ҳамкорликда янги иш ўринларини янада кўпайтириш ниятидамиз.

Тозагул ХУДОЙБЕРГАНОВА, фермер:
— Биз пахта, галла режаларини хар йили ортиги билан бажариб келаемиз. “Микрокредитбанк”нинг ходимлари бизни қўллаб-қувватлаб, очик чехра ва ширин сўз билан муомалада бўлишиб, фермерларга доимо ёрдам беришди.



Келгусида банк билан ҳамкорликда хўжалигимизда балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантиришмоқчимиз.

Улғубек БАЙРАМБОВ, касб-хунар коллежи битирувчиси:

— Банк томонидан касб-хунар коллежларини битириб, айнан эғаллаган йўналишлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган йигит-қизларга микрокредитлар ажратилаётгани мен қатори кўплай юртимиз ёшларининг ҳаётда ўз ўринларини топишларига замин яратмоқда. “Микрокредитбанк”нинг ёшларга молиявий хизматлар кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги қувонардир. Банкнинг янги филиали Хўжайли тумани аҳолиси учун янада кенг имкониятлар очиб бериши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафини янада кенгайтириш, ёшларимизнинг ўз бизнесларини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хўжайли тумани филиали очилишига бағишланган тадбир давомида ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган махсуслотлари кўргазмаси намойиш этилди. Шунингдек, ўзининг пухта бизнес режаларига эга бўлган ёш тадбиркорларга “Микрокредитбанк” томонидан имтиёзли сармоя олишлари учун сертифициқлар топширилди.

Мухтасар айтганда, “Микрокредитбанк”нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодийнинг раванқи, турмуш ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Азизжон АЛИЖОНОВ

Нашр

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг янги сони босмадан чиқди


Журналининг бу галги сони инсон ҳуқуқлари, халқаро меъёрлар ва тажриба, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Ўзбекистондаги амалий ифодаси, амалиётдаги қонунчилик ва меъёрлар шарҳига бағишланган, десак хато бўлмайди. Зеро, бу бежиз эмас. Чунки жорий йилда халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 65 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурининг 20 йиллигини нишонлайди. Журналининг “Давлат сиёсатининг устувор йўналиши” деб номланган бош мақоласида ана шу хусусда сўз боради.

Бухоро тиббиёт институти ўқитувчиси Хуршида Кенжаеванинг “Жамиятни модернизациялаш жараёнида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги” ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси Нодира Толибованинг “Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши” деб номланган мақолалари 2013 йил — “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси билан уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ифодаланади.

Болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар “Болалар фаровонлиги бўйича давлат сиёсати — амалда” деб номланган мақолада атрофлича таҳлил қилинади. Журналининг янги сонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2012 йил фаолияти сарҳисоби ҳам ўрин эғаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси депутати Алишер Тиллабоевнинг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти - инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили” мақоласида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бугунги кундаги мавқеи, ҳуқуқий қаролат ва имкониятларига эътибор қаратилади.

Журнал сайлов қонунчилиги кенг ўрин ажратган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котибияти бошлиғи Ойбек Соатовнинг “Умумий сайлов ҳуқуқи принциплари: миллий ва хорижий тажриба”, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти катта мутахассиси Ойбек Султоновнинг “Ўзбекистон экологик ҳаракатига депутатлик мандати квоталаниши тартиби афзаллик-



2/2013

лари” деб номланган мақолаларида мамлакатимизда амалдаги сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари хусусида сўз юритилади. Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходими, социология фанлари номзоди Оқилжон Абдуазимовнинг “Матбуотни 4 т назариялари”, Наманган давлат университети тадқиқотчиси Аъзамжон Тўхтабоевнинг “Ёшлар тафаккурини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни” мақолалари журналхонларда қизиқиш уяғотиши шубҳасиз. “Ҳуқуқ назарияси масалалари” рункида ёш тадқиқотчиларнинг қорхонани сотиш, жиноят ҳуқуқида ушлаб туриш билан боғлиқ масалалар атрофлича ёритилади. Журналнинг “Анжуманлар, тадбирлар, тақдиротлар” рункида бола ва инсон ҳуқуқлари бўйича мамлакатимиз ва хорижда бўлиб ўтган тадбирлар мазмун-моҳияти хусусида кенг ва батафсил маълумот берилади.

Уз мухбиримиз

Ўзбекистон Бадиий Академияси Тошкент Фотосуратлар уйда Ижодий фотосурат мактаб-студияси битирувчилари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма экспозициясида 16 нафар ёш фотосуратчи 115 та асари намойиш қилинди.

Ижодий фото мактаб-студияси битирувчилари диплом ишлар кўргазмасининг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг таниқли фоторассомлари, Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси фоторассомлар шўбаси аъзолари, фотосанъат илхосмандлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Кўргазма очилишида таниқли фоторассомлар Искандар Содиқов, Рустам Шарипов, Ҳасан Файзиев, Михаил Левкович ва бошқалар би-

Кўргазма

Ижодий мактаб-студияси битирувчилари фотокўргазмаси

тирувчиларни фотография соҳасида кўлга киритган ютуқлари билан табриқлаб, уларга халқимиз, маданиятимиз, давримиз яратган бадиий эстетик мўъжизалар, юртимизнинг гўзал манзараларини бундан кейин ҳам кадр орқали кашф этишларида муваффақиятлар тилади.

— Фото - бу жуда ҳам мураккаб санъат, - деди Ўзбекистон Бадиий академияси Бош илмий котиби Абдуджаҳид Мадраимов. - Бу соҳада ҳам аъжойиб санъат асарлари яратиш мумкин эканлигини таниқли фотосуратларимиз бизга исботлаб беришди. Фотографлар ўзи кўрган, кузатган бетакор лавҳаларни фотопарат объективга муҳрайдилар. Бу суратларни кўрган инсонлар улардан қандайдир мазмун, моҳият

қидиради, уларни ўзича ифодалаб беришга ҳаракат қилади.

Битирувчи фотосуратлар суратларида уларнинг орзу-хаваслари, истақлари, тасавурлари портрет, манзара, натюрморт, репортаж каби турли жанрларда олинган суратларда ҳамда фотосурат қаҳрамонлари қиёфасида намоён бўлади. Кўргазмада намоийш қилинган асарлар ўзининг юқори савияда ишланганлиги, мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги, маъно, услуб ва ифодаси билан бир-биридан ажралиб туради. Ушбу кўргазма томошабинни нафақат янги фотосуратлар авлоди билан, балки ёш ижодкорларнинг дунёни англашга бўлган интилиши, оламга ўзгача нигоҳи, уларнинг ижодий салоҳияти билан таништиради.

“Туркистон-пресс”

Огоҳлик

Ёнғинлар сони камайган, лекин...

Бундан ташқари туман ИИБ профилактик инспекторлари билан ҳамкорликда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари аҳоли турар жойларда фуқаролар ўртасида паспорт-виза тизимига амал қилишлари бўйича тушунтириш ишлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 сентябрдаги Қарори, «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4-боб 31,32 ва 33-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 мартдаги «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги Қарорига асосан Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ томонидан махсус кўрсатма ишлаб чиқилиб, кенг оммага тарғиб қилинмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан 2013 йил 6 ой якуни бўйича туман

ҳудудида ДСИ рўйхатидан ўтган 24 та корхона ва ташкилотнинг ёнғинга қарши ҳолатини текшириш режалаштирилган. 24 та маскан раҳбарлари езма кўрсатмалар берилди. 23 нафар мансабдор шахсга нисбатан 1790715 сўм миқдорда маъмурий чора кўрилди.

Туман ҳудудида 16000 та хонадон мавжуд. Туман ИИБ профилактика инспекторлари, туман газ тармоқлари қорхоналари, туман электр тармоқлари хизмати ходимлари билан ҳамкорликда 16000 та шахсий уй ва 1272 та давлат тасарруфидagi кўп қаватли уйларда ёнғинга қарши тўлиқ текширувлар ўтказилди. 142760 нафар фуқаролар иштирокида тушунтириш ишлари олиб борилди. Маҳаллаларда аҳоли билан 530 та учрашув ва суҳбатлар ўтказилди.

2013 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида Юнусобод туманида 85 та ёнғин содир бўлган. Ёнғинлар

натижасида кўрилган моддий зарар 54169430 сўми ташкил этди. Ёнғинлар жараёнида 2 нафар киши ҳалок бўлган, 2 нафари тан жароҳати олган.

Ёнғинлар асосан носоз электр ускуналари билан фойдаланиш, сигарет чекишдаги эҳтиётсизлик, қасдан ўт қуйиш, маиший электр анжомларидан фойдаланиш, электр ва газ пайвандлаш ишларидаги эҳтиётсизлик, иситиш печлари ва газ билан ишловчи ускуналардан нотўғри фойдаланиш, маст ҳолда чекиш ва болаларнинг олов билан ўйнаши сабабли юзага келмоқда. Ёнғинлар асосан ишлаб чиқариш цехлари ва омборлар, маъмурий бинолар ва кўп қаватли турар-жойларда содир этилмоқда.

Ш.ИСЛОМОВ, Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

